## Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни маҳсулот, жихозлар ва моддий товар бойликлар билан таъминлаш бўйича

## № 5 сонли ШАРТНОМА

2022 йил « 15 » феврал                                                                                     Навбахор шахарчаси

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "Юсупов Зохид Трейд" (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан рахбари Юсупов А.О биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Махалла ва оилани куллаб кувватлаш Фуркат тумани булими** номидан(келгусида «Харидор» деб аталади) **рахбари З.Алихаджаева** ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

### 1.Шартнома предмети

1.1.«Сотувчи» «Харидор»га куйидаги махсулотларни етказиб беради:

1.2.Мазкур шартноманинг умумий киймати: 283254000 (Икки юз саксон уч миллион икки юз эллик турт миллион ) **сўмни ташкил килади.**

*(рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади)*

1.3. Махсулотлар 2022йил феврал ойига куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| Т.р | Хизмат турлари | Ўл/бир | Микдори | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Персональ компьютер: LCD монитор 24, H410, CPU i3 10100, DDR4 4Gb, HDD 1TB-31, Coller, E2 combo, Case 500W, Web камера, калонка, клавиатура и мышка. | дона | 34 | 5 431 000 | 184 654 000 |
| 2 | Принтер 3 in 1. Тип печати лазерный, Максимальный формат оригинала A4, Количество страниц в месяц (максимальное) 8000, Максимальное разрешение по Y для ч/б печати 600 dpi Максимальное разрешение по X для ч/б печати 1200 dpi Скорость ч/б печати (A4) 18 стр/мин | дона | 34 | 2 900 000 | 98 600 000 |
| | **Жами** | **283 254 000** | | | |

**Изох:** Шартнома муддати бир ойдан ортик бўлганда ассортимент бўйича олинаётган махсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эхтиеждан ва нарх-наволардан келиб чиккан холда алохида спецификация холатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдикланганидан сўнг ушбу шартномага илова килинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда қўшимча келишув оркали шартномани суммасига аниклик киритилади.

### 2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1 Олинган махсулот,жихозлар ва моддий товар бойликлар учун хисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича хисоб-китоб килинади.

2.2 «Харидор» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тулик хисоб-китобни 60 кун ичида «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, счет-фактураларга асосан, етказиб берилган махсулот киймати учун пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортик муддатга тузилганда 30% микдоридаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Махсулотлар учун нарх махсулот етказиб беришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиккан холда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулот,жихозлар ва моддий товар бойликларга белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Сотувчи» зиммасидан копланади.

### 3.Махсулот етказиб бериш:

3.1«Сотувчи» шартномада белгиланган махсулотларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгохларига белгиланган муддатларда яъни 3 кунда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

### 4.Томонлар хуқуқ ва мажбуриятлари:

4.1 «Сотувчи» махсулотни сифатини тасдикловчи хужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификати ва хоказолар) хамда махсулотдан намуна такдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Сотувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалок мухр босилган ишонч когози кўрсатган вакилга махсулот беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч когозида курсатилмаган махсулотларни ёки махсулотларни ишонч когозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан хак туланмайди. Шунингдек, «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз -ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу махсулотлар «Сотувчи»га кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун хак тўланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома оркали расмийлаштирилади.

4.3.«Сотувчи» етказиб бераетган маҳсулотларини ҳисоб-варакларда тўлик ва аник номини, навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варакларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

4.4. «Харидор» «Сотувчи» томонидан юборилган махсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул килиб олгандан сўнг олинган махсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

### 5. Жарималар қўлланилиши

5.1 Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган махсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай махсулотларнинг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган холда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддатида етказилмаган махсулотлар умумий кийматининг 0.5% микдорида хар бир муддати ўтган куни учун «Харидор»га пеня (жарима) тўлайди, бирок бунда пенянинг микдори муддати кечиктирилган махсулот кийматини 50% дан ошмаслиги лозим.

5.3 Агар «Харидор» кабул килинган махсулот учун шартномада белгиланган муддатларда асоссиз равишда тўлов амалга оширмаган такдирда хар бир кечиктирилган кун учун тўлови кечиктирилган суммадан 0.4 % микдорида "Сотувчи" га пеня (жарима) тўлайди, бирок бунда пенянинг миқдори муддати кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ошмаслиги лозим.

5.4 Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни ва «Харидор»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

**6.Форс-мажор**

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлик бўлмаган фавкулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошкини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ холатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

**7. Шартнома муддати**

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабрь .Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вактида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вакт белгиланади.

7.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б) «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1 , 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Сотувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки кўпайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изох: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади

**8.Қўшимча шартлар**

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иктисодий судлари оркали хал килинади.

8.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

8.3 Шартнома спецификацияси келгуси ойлар учун талаб ва эхтиеждан ва нарх-наволардан келиб чиккан холда алохида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдикланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажралмас қисми ҳисобланади.

8.4 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдиклангандан сўнг амалга киритилади.

8.5 «Сотувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувоҳнома,сертификат «Харидор»га тақдим этади.

8.6 Шартномани бажарилиши учун тааълукли хужжатларни хакконийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.7 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдикланиб *тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан* ўтказилгандан сўнг амалга киритилади

**9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

«Сотувчи»

**"YUSUPOV ZOXID TREDE" Х/К**

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Олтиарик тумани

Тел./факс: +99890-560-19-90

Ҳисоб варак: 20208000905366253001

Банк номи: Халк банк Олтиарик

МФО: _00796 СТИР: 308334163

ОКОНХ: 47290

Раҳбар ______ А.Юсупов
(Ф.И.Ш) (имзо)

М.Ў.

«Харидор»

Махалла ва оилани куллаб кувватлаш Фуркат тумани булими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил:_Навбахор шахарчаси__

Тел./факс _____5492609____________

ш/х* 100022860302387011906259002

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 207316774

ОКОНХ___97600____

Ғазначилик бўлинмаси номи: Фуркат тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси

ЯҒҲ: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банкнинг Тошкент шахар ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар _____З.Алихужаева
(Ф.И.Ш) (имзо)

М.Ў.

**Ҳукукшунос:** ______________ М. Жўраев